Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 23-aprel, payshanba, № 50 (3555)

■ Янгиликлар
■ Воқеалар
■ Хабарлар

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

МУНОСИБ МЕҲНАТ — ФАРОВОН ҲАЁТ АСОСИ

Тошкентда "Фуқароларнинг муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқлари кафолатларини таъминлашда касаба уюшмаларининг роли: Ўзбекистон тажрибаси" мавзусидаги халқаро конференция иш бошлади.

Анжуман Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Адлия вазирликлари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш бўйича мустақил институт, Савдо-саноат палатаси, Нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий Ассоциацияси ҳамда хорижий ҳамкорлар — БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ва Халқаро меҳнат ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бюроси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик, идоралар ва нодавлат нотижорат ташкилотлар, Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси, хорижий касаба уюшма марказлари вакиллари, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган қатор халқаро ташкилотлар мутасаддилари, Германия, Дания, Хитой, Қозоғистон, Литва, Молдова, Россия, Франция каби давлатлардан халқаро экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этмоқда.

Анжуманда фуқароларнинг муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқлари кафолатлари таъминланиши бўйича Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсати, ходимлар ҳамда улар оила аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси борасидаги тизимли тадбирлар алоҳида қайд этилди.

Мазкур халқаро конференция фуқароларнинг муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини таъминлашга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда Ўзбекистон тажрибаси, шунингдек, ходимлар меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш ва меҳнатини муҳофаза қилишда касаба уюшмалари ролини намойиш этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Конференция давомида фуқароларнинг муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқлари кафолатларини таъминлашда мамлакат касаба уюшмаларининг муҳим ўрин тутаётгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, фуқароларнинг меҳнат ва меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш ҳуқуқлари тўла таъминланган бўлиб, касаба уюшмалари томонидан ёшлар бандлигига ҳамда янги ташкил этилаётган иш ўринларида қулай ва хавфсиз, муносиб меҳнат шароитлари яратилишига кўмаклашиш, жамоа шартномалари орқали ходимларга қўшимча имтиёз ва кафолатлар бериш соҳасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Анжуманда, шунингдек, мамлакатимизда давлат, иш берувчилар ва касаба уюшмалари ўртасида конструктив ижтимоий мулоқот йўлга қўйилгани, меҳнат соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш тажрибаси, касаба уюшмаларига ходимларнинг муносиб меҳнат кафолатларини таъминлаш бўйича берилган кенг имкониятлар натижасида амалга оширилаётган тадбирларнинг мазмун-моҳияти очиб берилди.

Ялпи мажлисдан сўнг журналистлар учун матбуот анжумани ташкил этилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти вакили Сергеюс Гловацкас мазкур халқаро конференциядан кўзланган мақсад, фуқароларнинг муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқлари, бу борада Ўзбекистонда амалга оширилаётган тизимли ишлар ижтимоий мулоқотни ривожлантириш борасидаги ҳамкорликни такомиллаштириш масалаларига атрофлича тўхталиб ўтишди. Журналистларни қизиқтирган барча саволларга муфассал жавоб берилди.

Конференция иши 4 та секцияда: "Меҳнат соҳасидаги асоссолувчи ҳуқуқларни амалга ошириш мақсадида миллий қонунчиликни такомиллаштириш ва халқаро меҳнат стандартларини илгари суриш", "Қулай ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш ва ижтимоий ҳимояни кенгайтириш", "Муносиб бандлик ва даромадлар олиш имкониятларини кенгайтириш", "Муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқлар кафолатларини таъминлаш соҳасида жамоатчилик назорати ва ижтимоий шериклик" мавзуларидаги секцияларда давом эттирилди.

Ўз мухбиримиз

Халқаро конференция иши тўғрисида газетамизнинг навбатдаги сонида батафсил танишишингиз мумкин.

ФАРМОН ВА ИЖРО

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим дастуруламал бўлаётир. Мазкур ҳужжат ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар хотин-қизларнинг ўз қобилият ва салоҳиятини тўла намоён этиши учун кенг имкониятлар яратмоқда.

КОРХОНА ФАОЛИЯТИ КЕНГАЙМОҚДА

Тошкент вилояти Бекобод шаҳри "Самарқанд" маҳалласида яшовчи Ўғилой Мирзамуродова ана шу имкониятлардан унумли фойдаланиб, 2007 йилда "Зулфия Бону чевар" тикувчилик цехига асос солди. Ушбу мўъжаз корхонада болалар кийими, мактабгача таълим ва тиббиёт муассасалари учун махсус чойшаблар ҳамда бошқа трикотаж маҳсулотлари тайёрланмоқда.

— Дастлаб икки нафар тиқувчи-бичувчи билан иш бошлаган эдик, — дейди "Зулфия Бону чевар" тикувчилик цехи раҳбари Ў.Мирзамуродова. — Аниқ мақсад билан қилинган иш зое кетмайди, деганларидек, маҳсулотларимиз қисқа фурсатда ўз харидорини топди. Шу боис, ишлаб чиқариш қувватини ошириш ҳисобидан янги иш ўринлари ташкил этишга киришдик. Бу иш банкдан олинган 28 миллион сўмлик имтиёзли кредит эвазига ижобий ҳал бўлди. Давлатимиз томонидан хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли шундай натижаларга эришмоқдамиз.

Айни пайтда цехда ўндан зиёд хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Улар орасида ўтган йили саноат коллежини тамомлаган Дилдора Аллаева ҳам бор.

— "Зулфия Бону чевар"да иш бошлаганимга ҳеч қанча бўлмади. Лекин тикувчилик сирларини пухта ўрганиб олдим, — дейди Дилдора. — Келгусида устозим Ўғилой опа сингари тадбиркор бўлиб, ўзимнинг шахсий бизнесимни йўлга қўйиш ниятидаман.

Мухтасар айтганда, яратилган кенг шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда ўзи ва оиласи фаровонлигини таъминлаш билан бирга, эл-юрт ободлиги, мамлакатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётган Ўғилой Мирзамуродова сингари тадбиркор аёллар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Б.ҲИДОЯТОВ,
ЎзА мухбири.
Оқил ҒУЛОМОВ
олган сурат

ХОРАЗМ

Ҳазорасп туманида фаолият бошлаган "Бўстон" маданият ва аҳоли дам олиш маркази "Юксак бунёдкор сервис" хусусий корхонаси томонидан мукаммал таъмирдан чиқарилиб, жиҳозланди.

ҚУЛАЙЛИК

Марказда қишлоқ аҳли компютер сабоқлари, бичиш-тикиш, рубоб, доира, рақс, ашула, шахмат-шашка тўгаракларига қатнаб маҳорат ошириши, 400 ўринга мўлжалланган муҳташам залда маданий ҳордиқ чиқариши мумкин.

Келгусида янги тўгаракларни очиш режалаштирилган.

Юлдуз РЎЗМЕТОВА

НАВОИЙ

Учқудуқ туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига алоҳида эътибор берилаётир. Турли мебеллар ишлаб чиқаришга мўлжалланган "Гули-Моҳларойим" хусусий корхонасининг ишга туширилиши ҳудуд аҳолиси учун айни муддао бўлди.

СИФАТЛИ МЕБЕЛЛАР

Тадбиркор Тўлқин Ханнонов бошқараётган мазкур корхонанинг йиллик қуввати 150 комплект ҳажмдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Фаолиятни жонлантириш учун тадбиркор ўз маблағидан ташқари 150 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит олди. Хитойдан келтирилган ускуналар маҳсулот сифатини замон талаби даражасида бўлишини таъминламоқда.

Ҳозирда 5 нафар маҳаллий ёш иш билан таъминланган. 20 турдаги мебел тайёрлаш йўлга қўйилгач, ишчилар сони 2 баробарга оширилади.

Мафтуна ИДИЕВА

РАЁСАТ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг навбатдаги Раёсат йиғилишида асосий эътибор Федерация Кенгашининг 2015 йилнинг биринчи чорагидаги фаолияти якунлари ва келгусидаги устувор вазифаларга қаратилди. Йиғилишни Федерация Кенгаши раиси Танзила Нарбаева олиб борди.

ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Қайд этиб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалардан, шунингдек, касаба уюшмалари Федерацияси фаолиятининг 2015 йилдаги устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда жорий йилнинг ўтган даврида тизимли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, касаба уюшмалари томонидан 33 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат, 6 та дастур лойиҳасини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритилди. Айни пайтда касаба уюшмалари мутахассислари учта қонун лойиҳаси, шунингдек, бошқа норматив ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этаётир. Яна бир эътиборли жиҳат, касаба уюшмалари томонидан ходимларнинг ижтимоий-меҳнат соҳасидаги ҳуқуқини ҳимоя қилишни кучайтириш, фуқароларга мазкур йўналишда бепул юридик хизмат кўрсатиш мақсадида Федерация Кенгашининг юридик клиникаси ташкил этилди.

Таъкидлаш зарурки, жамоатчилик назоратини таъминлаш доирасида Федерация тизимидаги ташкилотлар томонидан жорий йил биринчи чорагида 1 минг 502 та мурожаат кўриб чиқилиб, 80 фоизи ижобий ҳал қилинди. Ходимлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида иш берувчиларга 61 та тақдимнома, судга 13 та даъво аризалари киритилиб, 142 нафар ходимнинг ҳуқуқлари тикланди. Бундан ташқари, касаба уюшмалари тизимидаги "Ишонч телефонлари" орқали 512 нафар фуқарога консултатив хизмат кўрсатилди.

(Давоми 2-саҳифада).

ЖАСОРАТ, БУРЧ, МАТОНАТ

КЕКСАЛАРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТ

Андижон шаҳрининг "Исломобод" маҳалласида истиқомат қилувчи Ортиқбой ота Мадраҳимов бу йил умрининг 91 баҳорини қаршиламоқда. Иккинчи жаҳон урушининг машаққатли синовларида тобланган, заҳмату қийинчиликларни бардош билан енгган отахоннинг кўзлари чақноқ, тили бийрон, қадди тик.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, Андижон шаҳрининг "Гулистон" маҳалласида истиқомат қилувчи Холиқжон ота Солиев чеваралари билан.

Ортиқбой ота фронтдан қайтгач, кўп йиллар ҳайдовчилик қилиб обрў топди. Умр йўлдоши Тўхтахон ая билан 9 фарзандни камолга етказиб, элга қўшди.

Андижон вилояти ҳокимлиги, "Нуроний" жамғармаси, ҳарбий ва тиббиёт соҳаси вакиллари, шаҳар фаоллари ҳамда мусиқа ва санъат мактабларининг бир гуруҳ ўқувчилари Хотира ва қадрлаш куни олдидан бу хонадонга совға-саломлар билан келишди.

Вилоят ҳокими Шуҳратбек Абдураҳмонов Юртбошимиз ҳамда халқимиз номидан отахонни фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 70 йиллиги билан қизғин қутлади. Унга Президентимиз Фармонига асосан таъсис этилган "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали ва пул мукофотини топширди. Шунингдек, қимматбаҳо совғалар, зарур дори-дармонлар туҳфа этилди. Мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари ижросидаги куй-қўшиқлар, рақслар Ортиқбой ота ва унинг оила аъзоларига чексиз қувонч бағишлади.

(Давоми 2-саҳифада).

АЪЗОЛИК АФЗАЛЛИКЛАРИ

ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

Хусусийлаштириш жараёни ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар натижасида нодавлат сектори тизимидаги корхона ва ташкилотлар сони тобора ортаётир. Бу эса ўз-ўзидан минглаб ходимларнинг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни тақозо этаётир.

Қашқадарё вилояти нодавлат сектори корхона ва ташкилотларида бошланғич касаба уюшмаларини тузиш масаласида пешқадамлар сафида бормоқда. Жумладан, давлат статистика органлари ва лицензия берувчи идоралардан янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар олиниб, ишчи-ходимлар ўртасида аъзолик афзалликлари тарғиб қилинмоқда.

— Вилоят телевидениёси орқали бир неча бор реклама роликлари намойиш этилди, — дейди биз билан суҳбатда Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши раиси Азамат Нурматов. — Бундан ташқари, янги тузилган ташкилотларда "Касаба уюшмаси қандай ташкилот?", "У қандай ишларни амалга оширади?", "Унга аъзо бўлганлар қандай имтиёзларга эга бўлишади?" каби саволлар атрофида суҳбат ўтказилди. Касаба уюшма фаолияти тўлақонли акс этган буклетлар тарқатилди. Натижада, ўтган йилда 78 та нодавлат сектори корхоналари касаба уюшмасига жалб қилинди. "Ҳунарманд" уюшмаси Қарши шаҳар бўлими билан ҳамкорликда якка турдаги ҳунармандларни ҳам аъзоликка қабул қилиш ишлари жадал бормоқда.

(Давоми 2-саҳифада).

2015-yil 23-aprel, payshanba, № 50 (3555), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР – ҲАР БИР СОҲАГА

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Central Asia – 2015: фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва ахборот-кутубхона ресурслари" мавзусида IX халқаро конференция бошланди.

Конференция Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Анжуман фан, таълим, маданият ва бизнес соҳасида электрон ахборот ресурсларини қўллаш ва ривожлантириш борасидаги ҳамкорликни фаоллаштиришга қаратилган. Унда Ўзбекистон, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Чехия, Бирлашган Араб Амирликлари, Россия, Озарбайжон, Қозоғистон, Украина ва бошқа мамлакатларнинг ахборот-кутубхона муассасалари ходимлари, ўқув юртлари, нашриёт ва ахборот технологиялари компаниялари вакиллари иштирок этмоқда.

Халқаро конференцияда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори Асаджон Хўжаев иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг барча тармоқларига ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилаётгани мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири эканини таъкидлади.

Мамлакатимиз Миллий ахборот-коммуникация тизими кўплаб тартиб-таомилларни соддалаштириш ва уларнинг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Масалан, "электрон ҳукумат" тизими тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига давлат хизматлари кўрсатишда ҳар томонлама қулайликлар яратиб, маблағ ва вақтни тежашга хизмат қилмоқда.

Бизнес учун ҳам кенг имкониятлар яратилаётир. Замонавий технологиялар тадбиркорлик субъектларини интернет орқали рўйхатдан ўтказиш, шунингдек, ҳисоботлар топшириш, божхона тартиб-таомилларидан ўтиш ва ишхонадан чиқмаган ҳолда кредит олиш имконини бермоқда. Айни пайтда тадбиркорлик субъектларининг 98 фоизга яқини интернет орқали солиқ ва статистик ҳисоботларни топшириб, божхона декларацияларини расмийлаштирмоқда.

Конференциянинг дастлабки кунида илм-фан, таълим ва маданиятни ривожлантиришда ахборот-кутубхона фаолиятининг роли ва аҳамияти, ахборот-кутубхона муассасаларининг нашриётлар, архив ва музейлар билан ҳамкорлиги, ушбу муассасалардан фойдаланувчиларнинг ахборот маданияти ҳамда медиа саводхонлигини шакллантириш масалаларига бағишланган йиғилишлар ўтказилди.

Анжуман иштирокчилари мамлакатимизда аҳоли, биринчи навбатда, ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондириш, шунингдек, маданий ва маънавий-ахлоқий қадриятларни асраб-авайлаш бўйича янги ахборот-ресурс марказлари ташкил этиш борасида амалга оширилаётган тизимли ишлар билан таништирилди.

Бугун мамлакатимиз олий ўқув юртлари "ZiyoNet" миллий таълим тармоғига уланган оптик толали алоқа ва юқори тезликка эга интернет билан таъминланган. Ягона ахборот-кутубхона тизими жорий этилиб, унга 300 мингдан ортиқ дарслик, қўлланма ва бошқа ўқув адабиётларининг библиографик маълумотлари киритилган.

Президентимизнинг 2011 йил 23 февралдаги "2011-2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари негизида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматлари кўрсатишни сифат жиҳатидан ривожлантиришни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ ташкил этилган Республика йиғма электрон каталог маркази ахборот-кутубхона муассасаларида яратилаётган библиографик ёзувларни тўплаш орқали Ўзбекистон Республикасининг йиғма электрон каталоги базасини шакллантириш билан шуғулланмоқда. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси негизида фаолият юритаётган ва юқори технологияли ускуналар билан жиҳозланган ушбу марказ автоматлаштирилган ягона ахборот-кутубхона тизимига эга. Бу ерда ташкил этилган ахборот-кутубхона фондини сақлашнинг автоматлаштирилган тизими халқаро талаб ва нормаларга тўлиқ мос келади.

— Ўзбекистон ахборот-коммуникация ва нашриёт-матбаачилик соҳасида катта салоҳиятга эга, — дейди Арба Фалазий (Бирлашган Араб Амирликлари). — Ўзбекистон иқтисодиётининг турли тармоқларига илғор ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий этилаётгани менда катта таассурот қолдирди. Бу самарали ва ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорлик учун қулай имкониятлар яратади.

Конференциянинг иккинчи кунида бўлиб ўтадиган шўъба йиғилишида замонавий ахборот технологиялари муҳитида кутубхонани ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлари, дунёнинг йирик кутубхоналаридаги инновацион ечимлар хусусида маърузалар тингланади. Мутахассислар электрон кутубхоналарни ривожлантиришнинг муҳим халқаро тенденциялари ва ахборот-кутубхона соҳасида фойдаланилаётган янги рақамли технологияларни муҳокама қилади.

Халқаро конференция дастуридан семинарлар, маҳорат сабоқлари, давра суҳбатлари, ёзувчи ва журналистлар билан ижодий учрашувлар, Тошкентдаги ахборот-кутубхона муассасаларида сайёр йиғилишлар ўтказиш ҳам ўрин олган.

Бобур ОБИДОВ,
ЎзА мухбири

ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Йиғилишда бандлик масалалари ҳам касаба уюшмаларининг доимий диққат марказида эканлиги таъкидланди. Аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашиш доирасида ташкил этилаётган янги иш ўринларининг сифатли ташкил этилиши, қулай ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши, муносиб меҳнат ҳақи тўланиши бўйича тизимли ишлар амалга оширилиб, самарали жамоатчилик назорати олиб борилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 756 та хўжалик юритувчи субъектда 4 минг 136 та янги иш ўрни ҳақиқатда яратилгани бўйича ўтказилган мониторинг фикримиз далилидир.

Шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишларни янада такомиллаштириш мақсадида тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда уч томонлама ҳамкорлар томонидан "Меҳнат шароитлари ва муҳофазасини яхшилаш бўйича 2015-2016 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар дастури" имзоланиб, аъзо ташкилотларга етказилди. Бу эса меҳнат муҳофазасини тизимли равишда такомиллаштириш, бу борадаги ишлар кўламини кенгайтириш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

Меҳнаткашлар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасида жамоа шартномалари имкониятидан янада кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳисобот даврида жамоа шартномалари ва келишувлари орқали аҳолига 11 млрд. 251 млн. сўмлик ижтимоий кўмак берилди. Нодавлат секторида фаолият кўрсатаётган 10 минг 979 та корхона, ташкилотлар, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари касаба уюшмаларига жалб этилиб, уларда меҳнат қилаётган ходимлар ижтимоий ҳимояси таъминланди.

Йиғилишда халқаро ташкилотлар, хорижий касаба уюшмалари марказлари билан ўзаро манфаатли алоқаларни янада ривожлантириш, ҳамкорликдаги лойиҳалар кўламини кенгайтиришга қаратилган аниқ мақсадли ишлар амалга оширилаётгани ҳам эътироф этилди. Жумладан, Федерация вакиллари бир қатор хорижий давлатларда ўтказилган халқаро анжуманларда иштирок этишди.

Касаба уюшмалари томонидан иш берувчилар ва меҳнаткашларнинг меҳнат муносабатлари, миллий ва халқаро меҳнат стандартларига оид билимини ошириш мақсадида тегишли вазирлик ва идоралар билан қўшма дастурлар тасдиқланиб, унга мувофиқ 38 минг нафар фермер хўжалиги раҳбарлари, 150 нафарга яқин туман тиббиёт бирлашмалари бошлиқлари, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат Божхона қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг кадрлар билан ишлаш инспекторлари ўқитилди.

Раёсат йиғилишида "Касаба уюшмаларининг аҳоли бандлигини таъминлаш ва коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришга кўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлари" тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилиб, 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга оширишга кўмаклашиш борасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида амалга ошириладиган асосий вазифалар ҳамда касаба уюшмаларининг касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришдаги асосий вазифалари юзасидан услубий кўрсатмалар тасдиқланди. Уларда янги иш ўринларини ташкил этиш дастурлари амалга оширилишига кўмаклашиш, ишга янги қабул қилинган ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, квоталаштирилган иш ўринларига меҳнат бозорида рақобат қила олмайдиган фуқаролар бандлигига кўмаклашиш, фермер хўжаликлари ва кичик бизнес субъектларига ишга жойлашган ходимлар билан меҳнат шартномалари тузилишига ва меҳнат дафтарчалари юритилишига эришиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, янги ташкил этилган иш ўринларида меҳнат муҳофазаси таъминланиши, бандлик масалаларини ҳал этишда меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик имкониятларидан кенг фойдаланиш, ишга қабул қилишда битирувчиларга берилган имтиёзлар, меҳнат шартномаси муддатлари, ишга қабул қилишда битирувчилар учун синов муддатларининг белгиланмаслиги, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини, иш ўринларида қўнимлилигини таъминлашда қуйи ташкилотларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатиб бориш масалалари киритилган.

Йиғилишда Ўзбекистон касаба уюшмалари томонидан "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ва унинг асосида ишлаб чиқилган Федерация Кенгаши тадбирлари дастури ижросини таъминлаш борасида жорий йилнинг биринчи чорагида амалга оширилган ишлар ҳам муҳокама этилди. Таъкидланганидек, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Ўзбекистон Республикасининг "Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида"ги Қонуни ва лойиҳасини тайёрлашда фаол иштирок этмоқда.

Давлат дастури доирасида касаба уюшмаларининг "Ишонч телефонлари" орқали 58 нафар ёши улуғ инсонларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Касаба уюшмалари ва иш берувчилар томонидан 3 минг 244 нафар кекса кишига озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, уй-жойни таъмирлаш, коммунал хизматларга ҳақ тўлаш кўринишида ижтимоий кўмак кўрсатилди. Наврўз байрами муносабати билан республикамиз ҳудудларидаги "Саховат" ва "Мурувват" уйларида маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилиб, уларда яшаётган инсонларни моддий қўллаб-қувватлаш ишлари амалга оширилди. 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини касаба уюшмалари тизимидаги 15 та санаторийда давлат бюджети ҳисобидан бепул соғломлаштиришни ташкил этиш бўйича барча ташкилий ишлар амалга оширилиб, қўшимча қулайликлар яратилди. Чунончи, тизимдаги санаторийларда 5 млрд. 113 млн. сўмлик қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, уларда "Уруш ва меҳнат фронти фахрийлари бўлимлари" ташкил этилди ва замонавий тиббий асбоблар, юмшоқ ва қаттиқ инвентарлар билан қайта жиҳозланди. Шунингдек, касаба уюшмалари томонидан 129 нафар ишловчи кексалар ва 273 нафар меҳнат фахрийси бепул, 437 нафар пенсионер имтиёзли асосда соғломлаштирилди.

Жамоа шартномалари орқали 9 минг 399 нафар пенсия ёшидаги, пенсияга чиқиш арафасидаги шахсга ва ишламайдиган пенсионерларга юбилей саналари муносабати билан совғалар топширилиб, моддий ёрдам кўрсатилди. Барча меҳнат жамоаларида уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида "Сиз доим эъзоздасиз", "Қариси бор уйнинг париси бор", "Кексаларни ардоқлаган юрт", "Фахрийлар — фахримиз" мавзуларида маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбати ва учрашувлар ташкил этилаётир. Сирасини айтганда, дастур тадбирлари ижросига биринчи чорак якуни бўйича 9 млрд. 268 млн. 396 минг сўм маблағ йўналтирилди.

Раёсат йиғилишида республика оромгоҳларида болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш Концепцияси талаблари асосида жорий йил ёз мавсумига барча турдаги болалар оромгоҳларини тайёрлаш, болаларнинг сифатли соғломлаштирилиши ва дам олишини ташкил этиш бўйича амалга оширилаётган ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, бу йил ёзги соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик ҳар йилгидан ҳам эрта бошланди. Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингни таъминлаш бўйича республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳи томонидан барча Ишчи гуруҳлар раҳбарларига, тегишли вазирлик, идора ва ташкилотларга, ҳудудий Мувофиқлаштирувчи гуруҳларга жорий йилги мавсумга тайёргарлик кўриш бўйича аниқ топшириқлар берилиб, улар ижроси таъминланмоқда. Ҳар йилги анъанани давом эттирган ҳолда Оролбўйи минтақасидан 4,5 минг нафар болани бюджет ҳамда ҳомийлар маблағи ҳисобидан Тошкент шаҳри, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларидаги сўлим оромгоҳларда бепул дам олдириш кўзда тутилган. Шунингдек, жорий йилда 500 нафар иқтидорли ўқувчи, 1950 нафар "Меҳрибонлик" уйлари тарбияланувчиси, 50 нафар имконияти чекланган болани касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан, эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 700 нафар фарзандини "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг маблағи ҳисобига бепул соғломлаштириш белгиланган.

Мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида мавсум олдидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан масъул ташкилотларни жалб этган ҳолда ҳудудий семинарлар ташкил этиш режалаштирилгани, уларда оромгоҳларга ишга қабул қилинувчи кадрларни ўқитиш масаласига алоҳида эътибор қаратилиши таъкидланди. Оромгоҳларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича 2015 йилга мўлжалланган Манзилли дастурга кўра республикамиздаги 49 та оромгоҳда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши, хусусан, Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Тошкент, Хоразм вилоятларида 7 та оромгоҳни янгидан қуриш ва реконструкция қилиниши, ҳозирда қурилиш-таъмирлаш ишларининг жадал олиб борилаётгани айтилди.

Қизғин фикр-мулоҳазаларга бой ўтган Раёсат йиғилишида яна бир қатор масалалар атрофлича муҳокама этилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари.
Акмал ТОШЕВ,
"Ishonch" мухбири.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

КЕКСАЛАРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

— Давлатимиз раҳбарининг ардоғи кўнглимизни кўтармоқда, — дейди Ортиқбой ота қувониб. — Мустақиллиқни, инсон қадри улуғланаётган кунларни кўрдик. Тақдиримдан мингдан минг розиман.

Шу куни Андижон шаҳрининг "Исломобод" маҳалласида умргузаронлик қилаётган Абдулазиз ота Жўрабоев, 2-кичик даҳада яшовчи Григорий Речкин, "Гулистон" маҳалласидаги Холиқжон ота Солиев сингари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳам юксак эътибордан баҳраманд бўлди.

Жойларда маҳаллий ҳокимликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан фронт фахрийларига муносиб эътибор ва эҳтиром кўрсатилиб, "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали, қимматбаҳо туҳфалар ҳамда пул мукофотлари тақдим этилмоқда.

Умумхалқ байрами олдидан Наманган шаҳридаги "Ёшлар маркази"да бўлиб ўтган навбатдаги тадбир "Кексалари эъзоздаги юртнинг эртаси бор" шиори остида ташкил этилди.

Тадбирга таклиф этилган 37 нафар уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, якка-ёлғиз қарияларга "Косонсой" сиҳатгоҳига йўлланмалар берилиб, шу куннинг ўзида баҳаво масканга тантанали кузатиб қўйилди.

"Косонсой" сиҳатгоҳида фахрийлар катта ҳурмат ва эътибор билан кутиб олинди. Шу муносабат билан уюштирилган тантанали маросимда отахон-онахонлар тўкин дастурхон атрофида дилдан суҳбат қуриб, санъаткорлар ижросидаги дилрабо қўшиқлардан баҳраманд бўлишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 13 октябрдаги "1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш борасида мазкур сиҳатгоҳда қатор тайёргарлик ишлари амалга оширилган. Хусусан, асосий ётоқхона биносининг 1-қаватида икки кишилик 8 та хона ажратилиб, уруш ва меҳнат фронти фахрийлари бўлими ташкил этилган эди. Алоҳида даволаш ва муолажа хоналари эса, дори-дармонлар билан тўлиқ таъминланганлиги нуронийлар учун яна бир қулайликдир. Шунингдек, ётоқхона биносида овқатланиш учун алоҳида хона ташкил этилиб, керакли жиҳозлар, термос ва овқат ташиш учун контейнер ажратилди.

Ётоқхонага ногиронлар аравачаси билан кириш учун қўшимча йўлак ташкил этилди. Ажратилган хоналарга шифокор билан даволанувчилар ўртасида алоқа воситалари, қўшимча ёритиш ва хабар бериш мосламалари ўрнатилди.

Сиҳатгоҳнинг штат жадвалига уруш ва меҳнат фронти фахрийларини алоҳида кутиб олиш ва жойлаштириш, кузатиш учун алоҳида штат бирлиги киритилганлиги ҳам таҳсинга лойиқ иш бўлди.

Нуронийларнинг парвариши борасида "Турон" санаторийсида малака ошириб келган геронтолог врач Г.Қурбанова ҳам муносиб улуш қўшмоқда. Кўнгли ҳамиша эзгу ниятларга тўла отахону онахонлар дориломон кунлар учун дуога қўл очишган. Зеро, яхшилик учун қилинган дуолар, албатта, ижобат бўлади.

Дилдора РАҲМОНОВА,
"Ishonch" мухбири

***

Ўтган умридан рози, авлодларининг гўзал ҳаёти учун муносиб ҳисса қўша олган инсонларгина ўзларини бахтли ҳисоблаши мумкин.

ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

ТАДБИРКОРЛАР МАМНУН

"Вилоятбозорсавдо ва тарбиркорлар" касаба уюшма қўмитасига Манзура Ҳасанова раислик қилади. Опанинг ўз касбини севиши, ҳар ишда намуна кўрсатиши туфайли якка турдаги тадбиркорлардан 370 нафари касаба уюшма аъзосига айланди.

— Сафимиз тобора кенгаймоқда, — дейди Манзура опа. — Муборак, Касби, Ғузор озиқ-овқат бозорлари, Қарши шаҳридаги "Ерқўрғон" деҳқон бозори, "Оригинал", "Чеҳра" хусусий фирмаларидаги вакилларимиз ходимлар манфаати йўлида самарали фаолият олиб боришяпти. Тадбиркорларнинг баъзилари сиҳатгоҳларда ҳордиқ чиқарган бўлса, бошқасининг фарзанди оромгоҳда дам олдирилди. Қолаверса, ўқув ва учрашувлар сабабли тадбиркорлар ҳуқуқий билими ҳам мустаҳкамланиб боряпти.

Манзура опа тиниб-тинчимас етакчилардан. Туманларга чиқиб, бозорлардаги тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказади, уларни касаба уюшмасига жалб қилади. Турган гапки, аъзоликка қабул қилинганлар манфаати йўлида заҳмат чекади. Ундаги фидойилик сабаб яқинда ўтган ҳисобот-сайлов конференциясида тадбиркорлар уни яна ўзларига раис қилиб сайлашди.

— Касаба уюшмасига аъзо бўлганимга кўп бўлгани йўқ, — дейди якка турдаги тадбиркор Замира Толипова. — Бироқ қисқа вақтда унинг афзалликларидан баҳраманд бўлдим. Ўтган йил сиҳатгоҳда дам олдим. Опам — якка турдаги тадбиркор Тамара Толипова ҳам сиҳатгоҳда саломатлигини тиклаб қайтди. Муҳими, зарур бўлганда ҳуқуқий маслаҳатлар олиб турамиз.

— Ўтган йил май ойида касаба уюшмасига қабул қилишди. Шундан буён у таянчимизга айланган. Спортга қизиққаним учун бир неча бор тармоқ ва шаҳар миқёсидаги спартакиадаларда қатнашдим, фарзандим оромгоҳда дам олди. Бундан ташқари, "Оқтош" сиҳатгоҳида соғлигимни мустаҳкамладим. Хуллас, оилавий корхонамиз касаба уюшма афзалликларидан баҳраманд бўляпти, — деди биз билан суҳбатда хусусий тадбиркор Жаҳонгир Рўзиев.

МАИШИЙ ХИЗМАТ СОҲАСИДА

Қарши шаҳридаги "Тонг" меҳмонхонаси реконструкция қилиниб, "Nasaf travel" номи остида замонавий меҳмонхона фаолияти йўлга қўйилди. Компания меҳмонхона хизматидан ташқари сартарошхона, фотостудия, компютер хизматлари, саёҳатлар ташкил этиш каби қатор йўналишларда ҳам иш юритмоқда. Касаба уюшма қўмитаси раиси Мунира Тангриеванинг билдиришича, меҳмонхона ходимлари касаба уюшма аъзолигига олингандан буён қатор имтиёзлардан фойдаланиб келишмоқда.

— Тармоқ касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши тадбирлари жуда кўп, — дейди Мунира Тангриева. — "Касаба-тур" веломарафони, турли кўрик-танловлар, меҳнат муҳофазаси бўйича ташкил этиладиган ўқувлар, спартакиадалар, акциялар ходимларимизнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари, саломатлигини таъминлаш, ҳуқуқий билимини ошириш йўлида муҳим омил бўлаётир.

Акмал АБДИЕВ,
"Ishonch" мухбири

2015-yil 23-aprel, payshanba, № 50 (3555), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

МУТАХАССИС ШАРҲИ

Меҳнат шартномаси ходим ва иш берувчи ўртасидаги муносабатларни тартибга соладиган, уларнинг ҳуқуқларини таъминловчи асосий ҳужжатлардан бири ҳисобланиб, у орқали меҳнат муносабатлари билан боғлиқ турли тушунмовчиликлар келиб чиқишининг олди олинади.

ҲУҚУҚИНИ БИЛГАН ЮТҚАЗМАЙДИ

Касаба уюшма мутахассислари томонидан олиб борилаётган ўрганишлар баъзи корхоналарда меҳнат шартномасини тузиш билан боғлиқ камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Жумладан, аксарият корхоналарда номуайян муддатга ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқларга ходимнинг аризаси асос қилингани кузатилади. Ҳолбуки, Меҳнат кодексининг 82-моддасида ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқни чиқаришга меҳнат шартномаси асос бўлиши кўрсатилган. Номуайян муддатга ишга кириш учун ходим ариза ёзиши шарт эмас, балки тарафлар ўртасида тузилган меҳнат шартномасининг ўзи етарли.

Муддатли меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббуси ва манфаатларига кўра тузилаётган бўлса, у ҳолда иш берувчи ёзма ариза берилишидан манфаатдор. Шу ўринда иш берувчининг муддатли меҳнат шартномасини тузиш ҳуқуқи чекланганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Қонунларимизга кўра фақатгина бажариладиган ишнинг хусусияти, унинг ижро шартлари ёки ходимнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган ҳолларда муддатли меҳнат шартномасини тузишга рухсат этилишини унутмаслик лозим.

Шунингдек, кўп ҳуқуқбузарликлар меҳнат шартномасини ходим ташаббуси билан бекор қилиш жараёнида юз бераяпти. Ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш Меҳнат кодексининг 99-моддасида ўз аксини топган. Унга кўра, ходим иш берувчини икки ҳафта олдин ариза бериш йўли билан огоҳлантириб, меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақли. Албатта, бу жараёнда ходим аризасининг мазмунига, унда меҳнат шартномасини бекор қилиш муддатини кўрсатган-кўрсатмаганлигига алоҳида эътибор бериш лозим. Чунки, айнан шу нарса буйруқнинг қонуний ёки ғайриқонуний эканида муҳим рол ўйнайди.

Ходим ўз аризасида меҳнат шартномасини бекор қилиш муддатини кўрсатмаган бўлса, иш берувчи икки ҳафталик огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг меҳнат шартномасини бекор қилиши керак. Лекин икки ҳафталик огоҳлантириш муддатига риоя қилишнинг ўзи ҳамма вақт ҳам меҳнат шартномасининг қонуний бекор қилинганлигига олиб келавермайди.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги ариза иш берувчининг қистови ёки бошқача мажбурлаши билан ёзилган бўлса, Меҳнат кодексининг 111-моддасига кўра, бу ҳолат ходимнинг ўз ишига тикланишига асос бўлади. Ишловчининг ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги истагини иш берувчи рад этиши мумкин эмас. Ўзаро келишувга асосан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги мурожаатни эса иш берувчи рад этиши мумкин. Иш берувчи ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишда ўзаро келишувга рози бўлмаса, бу ҳолат меҳнат муносабатларини Меҳнат кодексининг 99-моддасига асосан тугатилишига монелик қилмайди.

Кодекснинг 100-моддаси 2-қисми 4-бандига биноан меҳнат шартномасини бекор қилишда ҳам қонун талабларига риоя қилмаслик ҳолатлари учрамоқда. Агар корхонада ички меҳнат тартиби қоидалари ишлаб чиқилмаган ёки белгиланган тартибда тасдиқланмаган бўлса, ёхуд қоидаларда ходим содир этган ножўя хатти-ҳаракат назарда тутилмаган бўлса, меҳнат шартномасини Меҳнат кодексининг юқорида зикр этилган моддаси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 3 декабрдаги қонунига биноан Меҳнат Кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги, қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлганда иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш асосли бўлиши ҳақидаги янги таҳрирдаги 7-банд билан тўлдирилди.

"Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасида эркаклар 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлганда, аёллар 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари 20 йил бўлган тақдирда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар, дейилган. Қонуннинг 7-моддасида кўрсатилган иккита ҳолат ҳам мавжуд бўлганда, яъни, ходим пенсия ёшига етган ва белгиланган иш стажига эга бўлгандагина меҳнат шартномасини Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 7-бандига биноан бекор қилишга йўл қўйилади.

Шу билан бирга, иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилишда ходимнинг малакасини, ҳулқини, соғлиғини, жисмоний ҳолатини, ишининг самарасини эътиборга олиши лозим. Меҳнат кодексининг 101-моддаси талабига кўра, жамоа шартномаси ёки жамоа келишувида касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, бундай розиликни олмасдан туриб меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Эркин УМУРЗОҚОВ,
Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши юридик бўлими мудири

ЗАРИФАХОН ЗАРЛАРИ

Фарғона вилояти Бешариқ тумани Рапқон қишлоғида фаолият кўрсатаётган "Зарифахон зарлари" хусусий корхонаси ишлаб чиқараётган замонавий либосларга талаб ортмоқда.

Қишлоқдаги кичик корхона ўндан зиёд турдаги аёллар либосларини ички бозорга етказиб бераётир. Бу ерда "устоз-шогирд" анъанаси асосида қизларга тикувчилик сирларини ўргатиш ҳам яхши йўлга қўйилган.

Суратда: *корхона тикувчиси Арофат Холматова.*

ЎзА фотомухбири Муқимжон ҚОДИРОВ олган сурат

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Respublika mulk markazi" AJ "Toshkent mintaqaviy filial" бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади

Савдога Ўзбекистон Республикаси Давлат тижорат «Халқбанки»нинг Тошкент вилояти Оққўрғон филиалининг 2015 йил 21 апрелдаги №09-04/125 сонли буйруғи ва 2015 йил 22 апрелдаги №09-04/126-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти Оққўрғон тумани, А.Навоий кўчаси, 6 уй манзилида сақланаётган, давлат рақами 10 690 LAA бўлган 2007 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз, "Ваз 21154-110-20" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 10 010 000 сўм. Аукцион савдоси 2015 йил 26 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 22 май куни соат 18:00.

Автотранспорт воситаси 2015 йил 26 май куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 2-, 9 июн кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2015 йил 2 июн савдолар учун 29 май куни соат 18:00; 9 июн савдолар учун 5 июн куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Ипак Йўли банки" ОАИКБ Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452142, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 19-уй. 233-28-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома: 006231.

Хизматлар лицензияланган.

«Navoiy mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади

I. Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарори ҳамда НКМК ДК "Зарафшон қурилиш бошқармаси"нинг 2015 йил 27 февралдаги 20-02/924 -сонли буюртманомасига асосан мазкур корхонада сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

1. 1990 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 870 DAA бўлган "ЗИЛ-4314150" русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 4 343 148 сўм.** 2. 1993 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 883 DAA бўлган ГАЗ-3307 русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 3 761 947 сўм.**

Савдо 2015 йил 14 май куни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 12 май куни соат 18:00.

Автотранспорт воситалари 2015 йил 14 май куни сотилмаган тақдирда, навбатдаги савдо 2015 йил 28 май, 11-, 25 июн кунлари соат 10:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: такрорий савдо учун 2015 йил 26 май, 9-, 23 июн кунлари соат 18:00 да тўхтатилади.

II. Аукцион савдосига «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарори ҳамда "Агробанк" Навоий вилоят бошқармасининг 2015 йил 18 апрелдаги 07/58-сонли буюртманомасига асосан Навоий шаҳри, Меъморлар кўчаси, 104-уйда сақланаётган 2000 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 703 LAA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 10 704 000 сўм.**

Савдо 2015 йил 25 май куни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 22 май куни соат 18:00.

Автотранспорт воситалари 2015 йил 25 май куни сотилмаган тақдирда, навбатдаги савдо 2015 йил 3-, 17 июн кунлари соат 10:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: Такрорий савдолар учун 2015 йил 1-,15 июн кунлари соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолиби сотувчи билан аукцион ўтказилган кундан бошлаб 20 кун ичида олди-сотди шартномасини тузиши лозим. Кўрсатилаётган хизматлар учун қўшимча равишда энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида ҳақ олинади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, "Ипотекабанк"АТ Навоий филиали қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт. 20208000704943164001, МФО 00205, СТИР 302132768.

Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳри, П.Очилов кўчаси, 24-уй. Тел: 0 (436) 224-64-31. www.rmm.uz. Гувоҳнома 1605.

Хизматлар лицензияланган.

ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ! ИКСЕЗ хокимията Навоийской области. ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

По объекту: **«Строительство наружных сетей водоснабжения и канализации для 64-квартирного 4-х этажного жилого дома на территории махалли Ф.Хужаева в райцентре Кызылтепо Навоийской области». (1 очередь строительства).**

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 690 413 011 сум, с НДС 828 495 613 сум**

Срок окончания работ, установленный заказчиком 60 дней.

Заказчик **ИКСЕЗ хокимията Навоийской области.**

Расположенный **г.Навоий, ул.Навоий 63.**

Финансирование проекта будет осуществляться **за счет средств ипотечного кредита банка.**

(при прочих равных условиях предпочтение отдается субъектам малого бизнеса)

С 1 июля 2014 года к конкурсным торгам по выполнению строительно-монтажных работ на объектах, финансируемых за счет централизованных капитальных вложений, допускаются исключительно подрядные организации, включенные в Реестр строительно-подрядных организаций.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценки конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга **Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области** по адресу г. Навоий, ул. Гвасалия 2А, тел: 225-49-96, 225-47-98.

Стоимость одного комплекта документов 100 000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г. Навоий, ул. Гвасалия, 2А, тел: 225-49-96, 225-47-98

Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится по адресу г.Навоий, ул.Х.Дустлиги, 77А не менее чем через 30 дней после опубликования объявления.

Услуги лицензированы.

Аукцион савдолари хабарномаси! «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS MCHJ Buxoro filiali» Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтадиган қуйидаги аукцион савдоларига таклиф этади

2015 йил 26 май куни соат 11:00 да «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» хайрия фонди Бухоро вилояти ҳудудидй филиали билан ҳамкорликда ташкил қилинадиган савдоларга филиал ҳисобидаги бошланғич баҳоси 8 756 000 сўм бўлган 1995 йилда и/ч давлат рақами 80/761 МАА бўлган «MERCEDES BENC» русумли юк (махсус) автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Закалат пули миқдори бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизи миқдорида белгиланган.

Талабгорлар диққатига

Аукцион савдосида ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловларни тўлаш тартиби ва муддати олди-сотди шартномасида белгиланади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй (4-қавати) манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб «Аукцион» савдоси ўтказилиши белгиланган санаси кунидан бир кун олдин бўлган муддатга қадар қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан белгиланган миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдолари ўтказилмаган тақдирда мулклар 2015 йил 2-, 9 июн кунлари бўлиб ўтадиган савдоларга такроран қўйилади

Закалат тўлови учун реквизитлар: «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS MChJ Buxoro filiali» СТИР 302523082, МФО 00115 «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ Бухоро минтақавий филиалидаги ҳисоб рақами 20208000805028108002.

Буюрманомаларни қабул қилиш ёки аукцион савдоларига чиқарилган мулклар билан танишиш ҳамда сизларни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин.

«Аукцион ташкилотчиси» — «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS MChJ Buxoro filiali».

Манзили: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. (4-қават). Тел: (0-365) 221-59-24.

E-mail: kmss.res@mail.ru, гувоҳнома № 006263.

Хизматлар лицензияланган.

«REALTOR-CONSULTING GROUP» MCHJ Buxoro filiali очиқ танлов савдоларига таклиф этади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори, Шофиркон тумани ҳокимининг 2014 йил 26 июндаги 394-сонли қарори ҳамда туман ҳокимининг 2015 йил 15 апрелдаги 190-сонли хатига асосан қуйидаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи такроран танловга қўйилмоқда:

Шофиркон тумани, Х.Ориф М.Ф.Й., Х.Ориф кўчаси ҳудудидан аттракцион қуриш учун ҳар бирининг майдони 375,0 кв.метрдан иборат 8 та участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи

Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 237 100 сўмдан.

Танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш мазкур хабарнома эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилиш 2015 йил 26 май куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорларнинг таклифлари Шофиркон тумани ҳокимлиги биносида 2015 йил 27 май куни соат 11:00 дан бошлаб очилади ва талабгорларнинг таклифлари (конвертлар) очилган санадан бошлаб 10 календар кунидан ортиқ бўлмаган муддатда танлов ғолиби аниқланади.

2015 йил 27 май куни танлов бўлиб ўтмаган тақдирда, танлов ўтказилмаган ер участкалари бўйича 2015 йил 3-, 10 июн кунлари соат 11:00 да такрорий танлов ўтказилади. 2015 йил 3 июн кунидаги такрорий танловга буюртманомаларни қабул қилиш 2015 йил 2 июн куни соат 18:00 да, 2015 йил 10 июн кунидаги такрорий танловга буюртманомаларни қабул қилиш 2015 йил 9 июн куни соат 18:00 тўхтатилади.

Талабгорлар диққатига!

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми, шакллари ва шартлари туман архитектура ва қурилиш бошқармаси томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади.

Танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлар закалат пули тўғрисидаги келишув имзоланганидан сўнг талабгорлар танлов ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатларни буюртманома билан икки нусхада тақдим этадилар. Юридик шахслар: давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва уставининг нусхаси; Жисмоний шахслар: паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашганда унинг шахсини тасдилайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда белгиланган тартибдаги расмийлаштирилган ишончнома; закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг нусхаси ҳамда танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилган, муҳрланган конвертлардаги икки нусхадаги танлов таклифи.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри (юридик шахслар учун) ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов комиссияси томонидан танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ энг юқори таклиф билдирган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Талабгорларга уларнинг сўровлари бўйича, энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридаги тўлов эвазига танлов ҳужжатлари тақдим этилади.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш учун тўловларни тузиладиган шартномага ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 15 фоизи миқдоридаги закалат тўловини тузиладиган закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг ХХТУТ: 83400, СТИР: 207186573, МФО: 00115, «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ БВМФдаги 20208000500234536002 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Буюртманомаларни қабул қилиш, танлов ҳужжатларини олиш ҳамда қўшимча маълумот учун манзил ва телефон:

«Танлов ташкилотчиси» — «REALTOR-CONSULTING GROUP» MCHJ Buxoro filiali.

Манзили: 200100, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Лицензия RR 0170,

Интернетдаги манзилимиз: www.rcg.uz, e-mail: rc.group@inbox.ru, тел: (0-365) 221-59-24

Хизматлар лицензияланган.

2015 йил 25 май кунлари соат 11:00 да Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, Тадбиркорлар маркази биносида очиқ аукцион комиссияси иштирокида мулкнинг бошланғич баҳоси қадам-бақадам ошиши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади

1. Термиз тумани тиббиёт бирлашмаси балансига тегишли бўлган 1998 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 75/139 JAA "ДАМАС" русумли техник носоз ва таъмирталаб автотранспортнинг **бошланғич баҳоси — 2 082 000сўм.**

Юқоридаги мулк **2015 йил 25 майдаги** аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2015 **йил 9-,10-,12 июн** кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосига қатнашиш учун жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса ўрнатилган тартибда белгиланган ишончнома тақдим қилиши лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар закалат пули тўғрисида келишувни имзолаб, закалат пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади.

Талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини «SURXON GRAND BROKER» масъуляти чекланган жамиятининг "Трастбанк"-ХАББ Термиз филиали МФО-01063, ИНН 302072717, 20208000704929091001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада топширишлари керак: жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Қўшимча маълумотлар олиш манзили: Термиз шаҳри, Файзулла Хўжаев кўчаси, Тадбиркорлар маркази биноси 2-қават, 1-хона. Телефон: (99894) 201-04-04.

Хизматлар лицензияланган.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси Тошкент давлат аграр университети касаба уюшма қўмитаси раиси Оразмаммед Қаландаровга акаси

Курбаназар ҚАЛАНДАРОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

2015-yil 23-aprel, payshanba, № 50 (3555), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

БОЛАЛИКДА МЕҲР ЎЗГАЧА...

Болаликда сеҳр ўзгача,
Нафосату латофат бўлак.
У қуёшни агар кўзласа,
Қуёш бўлиб ёришар юрак.

Болаликда фикр ўзгача,
Етгай қўли узатса ҳар ён.
Хаёл — дарё, бир кун сузмаса,
Қирғоғига сиғмайди уммон.

Болаликда зикр ўзгача,
Подшоҳ амри, демакки, вожиб.
Эркаланиб гулдан сўзласа,
Гулзор турар бағрини очиб.

Болаликда меҳр ўзгача,
Шаффоф, тиниқ — чашмадир гўё.
Кўнгил тўлмас улуш қўшмаса,
Чунки ташна меҳрга дунё.

Болаликда сеҳр ўзгача...

Муҳаммад ЗАЙНИДДИН

КАСАБА УЮШМАЛАРИ — ФАХРИЙЛАРГА

Фарғона вилоят ҳокимияти ва касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташаббуси билан Кексаларни эъзозлаш йилида меҳнат фахрийларини санаторийларда соғломлаштириш анъанага айланмоқда. Жорий йилнинг феврал ойида таълим муассасаларида фаолият юритиб, ҳозирда кексалик гаштини сураётган 100 нафар фахрий касаба уюшмалари ва иш берувчилар маблағлари ҳисобидан соғломлаштирилган эди.

ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛДИ...

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан ҳамкорликда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан таълим ва тиббиёт тизимида узоқ йиллар меҳнат қилган 46 нафар фахрий "Чимён" сиҳатгоҳига жойлаштирилди.

Фахрийларнинг маданий ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш мақсадида турли тадбирлар ташкил этилаётир. Жумладан, куни кеча санаторийда сенатор, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо билан "Фахрийлар — фахримиз" мавзуида учрашув ўтказилди.

Тадбирда мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, инсон омилини улуғлашга қаратилган кучли ижтимоий сиёсат, босиб ўтилган тараққиёт йўли ва кексаларни эъзозлашдек улуғ анъананинг давлат миқёсида давом эттирилаётгани қувонарли ҳол эканлиги таъкидлаб ўтилди.

— Ватан, миллий ғурур, одамийлик, муҳаббат мавзуларидаги шеърлар тадбир иштирокчиларига кўтаринки кайфият улашди, — дейди бирлашма кенгашининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Ғанишер Пайзиев. — Куй-қўшиқлар эса дилларга ором бахш этди.

Тадбир сўнгида меҳнат фахрийларига касаба уюшмалари ва ҳамкор ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
"Ishonch" мухбири

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида "Зомин", "Ботаника", "Бўстон" ва "Чимён" санаторийларида ташкил этилаётган соғломлаштириш акцияси доирасида қатор хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Навоий иссиқлик электр станцияси ходими Мавлон Ҳусенов ва шаҳар тиббиёт бирлашмаси 3-поликлиникаси врачи Матлуба Ҳамроевага тизимдаги "Зомин" ва "Бўстон" санаторийларида соғлиқларини тиклаши учун бепул йўлланма берилди. Бу эса кексаларга бўлган эътиборнинг яна бир кўринишидир.

— Бундай эҳтиром инсонпарварлик мустаҳкам қарор топган жамиятгагина хосдир, — дейди Матлуба Ҳамроева. — Қалбимни тўлдирган миннатдорлик туйғулари, ўйлайманки, ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида ҳам ўз таъсир кучига эга бўлади.

М.НАЗАРОВА,
Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ижтимоий суғурта бўлими етакчи мутахассиси

МАЪНАВИЯТ СОАТИ

ТИНЧЛИК — ЭНГ УЛУҒ НЕЪМАТ

Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида "Тинчлик ва барқарорлик учун барчамиз масъулмиз" мавзусида маънавият соати ташкил этилди. Унда Бухоро муҳандислик-технология институти тарих кафедраси мудири, тарих фанлари номзоди Ф.Аминовнинг маърузаси тингланди.

Нотиқ ўтган вақт Ўзбекистон учун ҳар томонлама ривожланиш даври бўлганига эътиборни қаратиб, халқаро ташкилотлар экспертлари, таҳлил марказлари, дунёнинг нуфузли арбоблари томонидан эътироф этилганлиги қанчалар катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтди. Мамлакатимизда ҳукм сураётган осойишталикни асраш ва мустаҳкамлаш, дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан тўғри хулоса чиқариб, ҳушёрлик ва огоҳликни қўлдан бермаслик давр талаби экани қайд этилди.

А.АКРАМОВА,
Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши етакчи мутахассиси

ТАДБИРКОР — ЭЛГА МАДАДКОР

Юртимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, аввало, инсон манфаати ва турмуш даражасини янада яхшилашга қаратилган бўлиб, хусусан, «Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг Бекобод шаҳар филиали ҳам иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал модернизация қилиш ҳамда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш юзасидан қатор ишларни амалга ошираётир. Филиал томонидан аҳолининг реал даромадлари ўсишини таъминлаш ҳамда бандликка кўмаклашишни ният қилган мижозларга кредитлар ажратилмоқда.

Реклама ўрнида

МАҚСАДИМИЗ — ХАЛҚ ХИЗМАТИДА БЎЛИШ

— Анчадан буён тадбиркорлик қиламан, деб дилимга тугиб юргандим, — дейди «Asilbek-Savdo-baraka» МЧЖ раҳбари Илҳом Юсупов. — Орзуим ушалишида «Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг Бекобод шаҳар филиали кўмак берди. Банк мутахассислари бизнес-лойиҳамни кўриб чиқиб, менга зарур бўлган кредит маблағини ажратишди. Натижада, «Asilbek-Savdo-baraka» масъулияти чекланган жамиятга асос солиш имкони туғилди. Тез орада замонавий архитектурани ўзида мужассам этган 350 ўринли тўйхона фойдаланишга топширилди. Шунингдек, тўйхонанинг ёнида маиший хизмат кўрсатиш бинолари — пайнет, келинлар либоси салони, авиакасса, банк шохобчалари ҳамда турли савдо дўконлари аҳолига сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда. Шу тариқа ҳудудда 15 та янги иш ўрни яратилди. Келгусида хизмат турларини кенгайтириб, янги иш ўринлари яратишни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Ушбу замонавий хизматлар сифатидан аҳоли, айниқса, ёшлар жудаям хурсанд бўлишмоқда.

— Яқин-яқингача маҳалла аҳли турли тадбирларни ўзлари истиқомат қилаётган ҳовли-жойларда ёки бирор-бир мосламалар ёрдамида ҳосил қилинган жойларда ўтказишарди. Мана бугун бу масалада ҳеч қандай муаммо йўқ, — дейди «Буюк ипак йўли» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Раҳматулла Олимов. — Очиғи, тадбиркорларимиз томонидан амалга оширилаётган ибратли ишлар барчага манзур бўлмоқда. Тадбиркор Илҳом Юсупов бошчилигида қад ростлаган янги тўйхона кўнгилдаги иш бўлди. Барча шарт-шароитлар муҳайё этилган жойда тўй қилганга не етсин.

— Коллежни битириб шу ерга ишга кирдим. Орзуим ўзим танлаган соҳа бўйича фаолият юритиш эди. Айни пайтда мижозларга сифатли хизмат кўрсатаётганимдан хурсандман, — дейди «Гўзаллик салони» ходимаси Камола Нуриллаева. — Ҳар бир мижознинг истаги ва таклифини инобатга олиб, кўрсатилаётган хизматлар барчага манзур бўлаётир.

Шунингдек, мажмуада тикиш-бичиш цехи ҳам фаолият юритмоқда. Гуруҳ раҳбари Гулчеҳра Юсупова маҳалла қизларига бичиш-тикишнинг сир-асрорларини қунт билан ўргатяпти.

— Ушбу курсга келганимда ўрганиб кетармиканман, деган хавотир йўқ эмасди. Ҳамма гап астойдил ҳаракатда экан, — дейди Малика Холиқова. — Қолаверса, пойтахтга ёки шаҳар марказига бормай ҳам мақсадимга етганимдан жуда хурсандман.

Дарвоқе, мажмуа ёнида қурилиш моллари билан савдо қиладиган дўкон ишга туширилганлиги ҳам айни муддао бўлди. Бу ҳақда сотувчи Дилшод Ўразқулов шундай дейди:

— Бугунги кунда дўконимизда қурилиш молларининг барчаси — гулқоғоздан тортиб кафелгача, бир сўз билан айтганда, иморатнинг пойдеворидан то том қисмигача керак бўладиган ҳамма қурилиш материаллари бор. Айни пайтда мижозлар хизматимиздан мамнун.

Шунингдек, гузарда янги очилган совғалар дўкончаси ҳам ҳамиша гавжум. Айниқса, ёшларнинг қувончи чексиз. Ахир яхши кунларда бир-биримизга совға-салом улашиш ҳам халқимизга хос анъанага айланган-да!

Ҳа, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка қаратилаётган эътибор бугун ўз самарасини бераётир. Бунда «Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг Бекобод филиали ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Бу эса, ўз навбатида, шаҳарда кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорликнинг қўллаб-қувватланиши ҳамда ҳудуд иқтисодиётининг юксалишига мустаҳкам замин яратмоқда.

«Ishonch» мухбири
Насиба ИСМАТОВА
тайёрлади

БАҲОР ТАОМНОМАСИ

Бу салат витаминлар манбаидир. 1 боғдан салат барги ва кўк пиёзни 1 см. узунликда, 4 та майда помидор, 1 та бодринг ва 1 боғ редиска думалоқ шаклда тўғралади. 2 та пишган тухум ҳам ингичка бўлакчаларга бўлинади.

"БАҲОР" САЛАТИ

Алоҳида идишга 100 гр. сметана, 1 чой қошиқ туз ва 0,5 чой қошиқда хантал солиб, яхшилаб аралаштирилади, таъбга қараб озгина сирка қўшиш ҳам мумкин. Бу сметанали қоришма олдиндан тўғраб қўйилган баҳор неъматлари билан аралаштирилади. Салат махсус идишларга солиниб, усти майда тўғралган укроп билан безатилади.

КЎКАТЛИ ЎРАМА

Ҳозирги вақтда дўконлардан лавашнинг тайёр хамирини сотиб олиш мумкин. Бу ўрамани тайёрлаш учун бизга айнан шу маҳсулотдан керак бўлади.

Ялпиз, исмалоқ, жаф-жафни 0,25 гр.дан олиб, яхшилаб ювиб ва майда қилиб тўғралади. Унга қирғичдан чиқарилган 1 дона картошка, озгина ўсимлик ёғи, таъбга кўра туз қўшиб, аралаштирилади. Бу масаллиқ лаваш хамири билан худди хонимдек ўралади ва 35, 40 дақиқа давомида газ духовкасида ўрта оловда пиширилади. Тайёр ўрама бўлакларга бўлиниб, дастурхонга тортилади.

Раъно МАҲКАМОВА
тайёрлади

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir v.b. Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati: Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-94) 418-67-49
Navoiy — (+998-94) 228-13-00
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Samarqand — (+998-93) 352-50-87
Sirdaryo — (+99890) 999-58-30
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir: A.Toshev
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhih: N.Choriyev
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **21:40**
Topshirildi — **01:00**
1 2 3 4 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma Г — 415. 19386 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi: 133